

7–8-СИНФ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ЁРДАМИДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Кабулова Мунира Шарипбайевна

*Нукус Давлат Педагогика Институтини Таълим ва тарбия назарияси ва
методикаси (Математика) йўналиши 1-курс докторанти*

Аннотация

Ушбу мақолада 7–8-синф математика дарсларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришда интерфаол ўқитиш методларининг аҳамияти ва улардан самарали фойдаланиш усуллари таҳлил қилинади. Муаллиф бу жараёнда “мия штурми”, “кластер”, “Ақл чархпалаги”, “факт ёлғон” каби усулларнинг қўлланилиши ва уларнинг ўқувчиларни фаол ўқишга, мустақил қарор қабул қилишга, мантикий фикрлашга ундашини ёритади. Мақолада замонавий таълимда талаб этиладиган компетенциялар, айниқса, тафаккур ва анализ қилиш каби қобилиятларни шакллантиришда интерфаол усулларнинг ўрни асослаб берилган.

Калит сўзлар

интерфаол методлар, мустақил фикрлаш, математика таълими, 7–8-синф, ўқувчи фаоллиги, таълим самарадорлиги, мантикий фикрлаш.

Кириш

Бугунги кунда жаҳон таълимида юз бераётган янгиланишлар, яъни билимларни ўзлаштиришдан кўра уни қўллаш, таҳлил қилиш, муаммоли вазиятларда тўғри ечим топиш қобилиятига эга шахсларни тайёрлаш талаб этилаётгани таълимдаги ёндашувларга жиддий ўзгаришлар киритишни тақозо қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсати ҳам ана шундай замонавий талаблардан келиб чиқиб, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш ва танқидий қарашни шакллантиришга йўналтирилмоқда. Айниқса, аниқ фанлар, хусусан, математика таълимида бугун шунчаки назарий билим бериш эмас, балки олинган билимлар асосида фикр юритиш, мантикий хулосалар чиқариш, амалиётда қўллаш каби мақсадлар асосий вазифага айланмоқда.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, 7–8-синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда, уларда мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш таълим сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бу босқичда болаларда интеллектуал фаоллик ортади, мантикий таҳлил қилишга интилувчанлик кучаяди. Ушбу жараёнда эса интерфаол ўқитиш усулларида фойдаланиш ўқувчи фаоллигини ошириш, уларни билим эгаллаш жараёнига жалб этиш, дарсни қизиқарли ва самарали ташкил этишнинг асосий воситаларидан бири саналади.

Интерфаол методлар орқали таълим олиш жараёнида ўқувчи фақат пассив тингловчи эмас, балки фаол иштирокчига айланади. У ўз фикрини эркин ифода этади, гуруҳда ишлашни ўрганади, фикрлар хилма-хиллигини қабул қилади ва энг муҳими, муаммони ҳал қилиш учун мустақил изланади. Шунингдек, мазкур методлар

ўқувчиларнинг қизиқишини оширади, мураккаб тушунчаларни соддалаштиришга, уларни ҳаёт билан боғлашга имкон яратади.

Мазкур мақолада айнан шу йўналиш — 7–8-синфлар математика дарсларида интерфаол методлар ёрдамида мустақил фикрлашни шакллантириш масалалари, унда қўлланиладиган асосий усуллар ва уларнинг самарадорлиги таҳлил қилинади.

Интерфаол ўқитиш методларининг моҳияти ва афзалликлари

Интерфаол ўқитиш — бу ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликка асосланган таълим усули бўлиб, у ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий ёндашиш, таҳлил қилиш ва мулоҳаза юритиш каби муҳим кўникмаларни ривожлантиради. Интерфаол методларда ўқувчи фаол субъект сифатида билим олиш жараёнининг марказига айланади.

Ана шундай усуллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- “Мия штурми” (brainstorming) – муаммога ечим излаш учун турли ғояларни эркин баён қилиш усули.

- “Ақл чархпалаги” (mind mapping) – бир мавзудаги тушунчалар ўртасида боғланишларни аниқлаш ва визуал равишда намоён қилиш.

- “Кластер” усули – асосий тушунча атрофида боғлиқ ғояларни гуруҳлаш.

- “Факт ва ёлғон” – маълумотларни таҳлил қилиш ва уларни танлаш орқали танқидий фикрлашни шакллантириш.

- Ролли ўйинлар, модельлаш, дебатлар, жадваллар билан ишлаш – ҳаммаси ўқувчи фаоллигини оширувчи самарали усуллардир.

Бу усулларни қўллаш математика дарсларида айнан ўқувчининг билим олиш жараёнида мустақил фикрлашнинг кучайтиришга хизмат қилади. Чунки ўқувчи фақат жавобни эмас, нега бундай жавоб бўлишини ҳам англайди.

7–8-синфлар ёш гуруҳининг психологик-дидактик хусусиятлари

7–8-синф ўқувчилари — ўрта ёшдаги ўқувчилар қаторига киради. Уларда мантикий фикрлаш, мулоҳаза қилиш, таҳлил қилишга интилиш кучли бўлади. Ушбу босқичда:

- Абстракт тушунчаларни англаш қobiliяти шаклланади;
- Муаммоли вазиятларга ижодий ёндашишга ҳаракат қилиш кучаяди;
- Яширин рақобат ҳисси, гуруҳда ишлаш истаги ортади;
- Ўзига ишонч ва мустақил қарор қабул қилишга интилиш ривожланади.

Интерфаол усуллар айнан мана шу хусусиятларга мос келади. Чунки ҳар бир машғулотда ўқувчи ўз фикрини билдириши, баҳслашиши, саволларга жавоб излаши, муаммони ечишда иштирок этиши керак бўлади.

Математика дарсида интерфаол методларни қўллаш мисоллари

Мисол 1: “Мия штурми” усулини геометрияда қўллаш

Мавзу: “Учбурчакнинг элементлари”

Дарс бошида ўқувчилардан учбурчак деганда нимани тушунишлари сўралади. Улар ҳар хил ғояларни айтадилар: тўғри бурчакли учбурчак, тенг томонли учбурчак, периметр, майдон ва ҳ.к. Ўқитувчи бу фикрларни тахтада ёзиб боради. Шундай усул

орқали ўқувчилар мавзу ҳақидаги аввалги билимларини фаоллаштиради ва янги билимга ўтиш осон кечади.

Мисол 2: “Ақл чархпалаги” – функция мавзусида

Функция тушунчаси бўйича марказий доирага “Функция” сўзи ёзилади ва унга боғлиқ бўлган элементлар (хосилалар, график, аргумент, ортиқча, тўғри функция ва ҳ.к.) шохлар кўринишида тузилади. Бу усул орқали ўқувчи функцияга боғлиқ тушунчаларни тўлиқ англаб, улар ўртасидаги боғланишни кўради.

Мисол 3: “Кластер” усули билан масала ечиш

Мавзу: “Ифодаларни соддалаштириш”

Дарсда гуруҳлар тузилиб, ҳар бир гуруҳ ўз кластерини тузади. Масалан, бир гуруҳ қоидаларни, иккинчиси хатоларни, учинчиси формулаларни ёзади. Кейин улар гуруҳдаги ишни тақдим қилиш орқали мулоқот, баҳс ва фикр алмашув орқали билимни мустаҳкамлайдилар.

Мустаҳкамлаш ва баҳолашда мустақилликни ривожлантириш

Интерфаол методлар нафақат янги мавзунини ўргатишда, балки уни мустаҳкамлашда ҳам самарали. Масалан:

- Тестлар орқали жамоавий баҳолаш – жамоада саволларга жавоб бериш ва жамоавий фикр билдириш.
- “Қайси тўғри?” туридаги машқлар – танқидий фикрлашни ривожлантиради.
- “Қайта тушунтир” техникаси – бир ўқувчи иккинчисига мавзунини содда қилиб тушунтиради.

Бу усуллар ўқувчиларда масъулият, ўз билимини англаш ва бошқаларга етказиш қобилиятини оширади. Дарс якунида рефлексия орқали ўқувчилар ўз фаолиятини баҳолайдилар, бу эса уларнинг ўзига ишончини ва мустақиллигини мустаҳкамлайди.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, 7–8-синф математика дарсларида интерфаол методлардан самарали фойдаланиш ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Бундай усуллар орқали ўқувчилар фақат назарий билимларни ўзлаштирибгина қолмай, балки уларни таҳлил қилиш, қиёслаш, амалиётда қўллаш ва мустақил фикр билдиришга ўрганадилар. Интерфаол методлар ўқувчи шахсини фаол таълим иштирокчисига айлантиради, дарсга қизиқишни оширади ва ижодий фикрлаш учун қулай муҳит яратади.

Айниқса, “мия штурми”, “кластер”, “ақл чархпалаги” каби усуллар ўқувчиларнинг логик фикрлашини фаоллаштириш, билимларни тузилмани равишда англаш ва мулоқот орқали ўрганиш имконини беради. Шунингдек, гуруҳларда ишлаш, жамоавий фикр алмашиш, ёшлар ўртасидаги мулоқот маданиятини шакллантиради.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, интерфаол методлар орқали таълим бериш — бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, мустақил фикрловчи, билимни фаол излаб топувчи, таҳлил қила оладиган ва янгича ёндашувга эга шахсни вояга етказишнинг энг самарали воситаларидан биридир. Математика дарсларида

ушбу ёндашувни тизимли ва мақсадли равишда жорий этиш таълим сифатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги
Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш ҳудуди маркази
“Математика фанида таълим беришда
замонавий ёндашувлар ва инновациялар” Тошкент- 2018
2. Тулкин РАСУЛОВ, Бобохон МАМУРОВ
“ Математика соҳасида мактаб-олий таълим муассасаси ҳамкорлигини
ривожлантириш истикболлари” илимий- мақола. Бухоро-2021
3. А.У. Абдухамидов ва бошқалар. Алгебра ва математик анализ асослари.
"Укитувчи" нашриёти. Тошкент. 2011
4. 1. Т.Х.Расулов, З.Н.Жамдамов. Физика, математика ва информатика. 2016 й, 1сон

Global
Science
Publication